

## ХИТОЙ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ МАЗМУНИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-250-253>

**Шасайдова Лола Шамаксудовна**

ЎзДЖТУ хитой тили

назарияси ва амалиёти кафедраси в.б. доценти, Phd

***Аннотация.** Мазкур мақолада таълим тизими, хусусан хитой тили таълими мазмунини оптималлаштиришга оид лингводидактлар ва педагогларнинг тўпланган тажрибаси таҳлил этилди. Замонавий таълим парадигмасида хитой тили таълими мазмунини оптималлаштириш йўллари ва тамойиллари кўриб чиқилди.*

***Калит сўзлар.** Хитой тили, оптималлаштириш, модернизация, замонавий тенденциялар, оптимал вариант, метод, ўқитиш технологиялари, самарадорлик.*

## ОБЗОР ИССЛЕДОВАНИЙ В ОБЛАСТИ ОПТИМИЗАЦИИ СОДЕРЖАНИЯ ОБУЧЕНИЯ КИТАЙСКОМУ

***Аннотация.** В данной статье проанализирован накопленный опыт лингвистов и лингводидактов в области оптимизации системы образования, в том числе содержания обучения китайскому языку. Рассмотрены методы и принципы оптимизации содержания обучения китайскому языку в современной образовательной парадигме.*

***Ключевые слова.** Китайский язык, оптимизация, модернизация, современные тенденции, оптимальный вариант, образовательный процесс, метод, технологии обучения, эффективность.*

## A REVIEW OF RESEARCH ON OPTIMIZING CONTENT OF CHINESE TEACHING

***Annotation.** This article analyzes the accumulated experience of linguists and teachers in the field of optimizing the education system, including the content of teaching the Chinese language. Methods and principles for optimizing the content of teaching Chinese in the modern educational paradigm are considered.*

***Keywords.** Chinese language, optimization, modernization, optimization, current trends, optimal option, educational process, method, teaching technologies, efficiency.*

Ўзбекистон-Хитой муносабатлари юксак даражага кўтарилиб, тизимли ва жадал тус олиб, маданий-гуманитар, илмий-маърифий алоқалар кенгаётган бир пайтда хитой тилини ўқитиш тизимини модернизациялашга, уни янги босқичга олиб чиқишга, таълим мазмунини оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотлар долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Замонавий таълимда оптималлаштириш – таълимдаги жадаллашув ва самарадорлик, модернизация ва трансформация орқали таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтаришдаги муҳим қадамдир.

Бугунги кунда оптимология фанларнинг халқаро уйғунлигидаги йўналиш сифатида мавжуд, у ўзининг кенгликлари ва мазмунига ўра умумилмий фанларга ўхшаб кетади, тизимларнинг умумий назарияси сифатида кибернетика, информатика, оламшумул тараққиёт билан боғлиқ .

Илмий ва ўқув адабиётларида “оптималлаштириш” термини кетма-кетликда бажариладиган ҳаракатлар, маълум бир мақсадни амалга ошириш учун ишларнинг тегишли бир жараёнини англатади, бу жараён сифатли ва аниқ натижаларни олишга имкон беради. Оптималлаштириш – бу ҳар доим танлаш имкониятининг борлигини англатади.

Умуман “оптималлаштириш” деганда жамиятнинг турли жабҳаларида рўй бераётган ижобий ҳодисаларни, янгиликларни тушуниш мумкин.

Педагогикада оптималлаштириш масалалари турли даврларда ва турли педагогик объектларга қаратилган ҳолда тадқиқ этилган. XX асрнинг 60-йилларида И.Т.Огородников турли хил ўқитиш усулларини оптимал комбинациялаш имкониятини, 1970-йиллардан бошлаб Ю.К.Бабанский ўз илмий ишларида таълим жараёнини оптималлаштириш тамойилларини, И.М.Чэредов таълимнинг турли шакллари оптимал мослаштириш тамойиллари масалалари устида изланган бўлса, В.П.Беспалько, А.Г.Молибог ва бошқалар дарс структурасини оптималлаштириш, С.Ф.Жуков ўқув жараёнини оптималлаштиришнинг психологик-педагогик шартлари, Б.Е.Стариченко ва бошқалар таълимнинг методик тизимини оптималлаштириш масалалари бўйича тадқиқот олиб борганлар.

Замонавий илмий-педагогик тадқиқотларда мазкур тушунча фаол ва узлуксиз ўрганилиб келинсада, унинг мазмунига оид аниқ бир тўхтамга келинмагани ҳали –хануз долзарб бўлиб қолмоқда.

Хитой тили таълимини оптималлаштириш масаласи бугунги кунда синолингводиқ тадқиқотларда ҳам муҳокама мавзусига айланган.

Е.Н.Колпачкованинг <sup>1</sup> оптималлаштириш ғоясига кўра, хитой тили таълимини мазкур тилни инновацион таълим технологиялари билан интеграциялаштириб ўқитиш таълимнинг барча босқичларида талабаларнинг

<sup>1</sup> Колпачкова Е.Н. Информационные технологии в филологическом образовании: оптимизация преподавания китайского языка в новых условиях обучения. Иностранные языки в высшей школе. Номер: 4 (43) . 2017.С. 64-74

лисоний ва касбий компетенциясини ривожлантиришда ажойиб амалий натижалар беради. Шунингдек, анъанавий ўқув-методик таъминотни электрон ўқув комплексларини ишлаб чиқиш орқали бойитиш хитой тилини оммавий шаклда ўқитиш имкониятларини кенгайтиради.

А.Ницзятининг таъбирича <sup>2</sup> инновацион интерактив электрон таълим мухитини яратиш таълим жараёнини фаоллаштириш ва оптималлаштиришга ёрдам беради.

И.В.Есаулов<sup>3</sup> ўзининг диссертацион тадқиқотини тил ўқитиш курсларида хитой тили таълими мазмунини оптималлаштириш масаласи ечимига қаратган. Олимнинг тадқиқотида хитой тили таълими мазмунини оптималлаштириш чет тилларини (жумладан хитой тилини) ўқитиш мазмуни ва ташкил этишнинг замонавий услубий талаблари, катталар таълимининг хусусиятлари, тил ўқитиш курсларни ташкиллаштириш вазифалари ва ўзига хос хусусиятларини инobatга олувчи тамойилларни жорийлантириш орқали амалга оширилади. Улар сарасига ўқитиш мазмунининг амалий, коммуникатив ва маданий йўналтирилганлик тамойили, ўқитишда лисоний изчиллик ва онглилик тамойили, ўқитиш мазмунининг ўзгарувчан, мобил, минималлаштирилган, концентрик ташкиллаштириш тамойили, таълимнинг комплекс вазифаларини ечимига оид, катталар таълимининг психологик, педагогик ва услубий хусусиятларини ва катталар хитой тилини ўрганишда юзага келадиган объектив қийинчиликларнинг ечимига оид тамойиллар, талабаларнинг она тили ва миллий маданиятини ҳисобга олиш, дидактик тизимнинг яхлитлиги ва унинг таркибий қисмларидан фойдаланишнинг услубий асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги тамойиллари киради.

А.П.Кошкин, Е.С.Волкова <sup>4</sup> изланишларида хитой тилида нутқ кўникмаларини оптималлаштиришга фаол ўқитиш усулларидан оқилона фойдаланиш орқали эриш мумкинлиги ўз исботини топади.

Мазкур мақола муаллифи<sup>5</sup> оптималлаштиришнинг тадқиқот объектини хитой тилини ўқитишда таълабалар мустақил таълимни мазмунига қаратиб, оптималлаштириш тушунчасини “таълим самарадорлигини исталган бир восита билан эмас, балки муайян шароит учун энг фойдали ҳамда зарур бўлган воситалар мажмуи орқали ошириш” маъносида қўллашни таклиф этади. Шу билан бирга, таълим жараёнини оптималлаштириш таълим мазмунини таълим мақсадига эришишда минимал вақтда максимал таълим натижаларига тез, осон,

<sup>2</sup> Ницзяти А. Оптимизация организации процесса обучения китайских студентов на этапе довузовской подготовки с помощью компьютерных технологий. Вестник ТГПУ (tspu bulletin). 2021. С.45.

<sup>3</sup> Есаулов И.В. Оптимизация содержания обучения китайскому языку на языковых курсах: Дис. ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2008. – 141 с.

<sup>4</sup> Кошкин А.П., Волкова Е.С. Оптимизация процесса обучения говорению на китайском языке в рамках ФГОС (на примере студентов педагогического вуза. Образование в эпоху глобализации. С.41-45

<sup>5</sup> Shasaidova L.Sh. Zamonaviy ta'lim paradigmasida xitoy tilini o'qitish mazmunini optimallashtirish // O'zbekistonda xorijiy tillar. – Илмий-методик электрон журнал, 2023. – № 2 (49). – Б. 98-114.

самарали эришишга ёрдам берадиган таълим шакллари, усуллари ва воситаларини тавсия этади.

Юқориғи фикрлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, таълим тизимини оптималлаштириш - бу методик тизимни янгилаш, қайта ташкил этиш, қайта қуриш, мавжуд ўзига хос шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда қўйилган таълим муаммоларини ҳал қилиш учун энг яхши ҳолатга келтиришни тушунилади.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Бабанский Ю.К. Система способов оптимизации обучения // Вопросы психологии. 1982. № 5. С. 12–22.
2. Есаулов И.В. Оптимизация содержания обучения китайскому языку на языковых курсах: Дис. ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2008. 141 с.
3. Колпачкова Е.Н. Информационные технологии в филологическом образовании: оптимизация преподавания китайского языка в новых условиях обучения. Иностранные языки в высшей школе. Номер: 4 (43) . 2017. С. 64-74
4. Ницзяти А. Оптимизация организации процесса обучения китайских студентов на этапе довузовской подготовки с помощью компьютерных технологий. Вестник ТГПУ (tspu bulletin). 2021. С.45.
5. Shasaidova L.Sh. Zamonaviy ta'lim paradigmasida xitoy tilini o'qitish mazmunini optimallashtirish // O'zbekistonda xorijiy tillar. – Илмий-методик электрон журнал, 2023. – № 2 (49). – Б. 98-114.